

1.МАЪРУЗА МАТНИ

21-мавзу: Бюджет жараёни

Режа:

- 1. Бюджет жараёни моҳияти ва тамойиллари.**
- 2. Бюджет жараёни босқичлари.**
- 3. Бюджет жараёнини амалга оширувчи давлат органлари ва уларни ваколатлари.**

Бюджет жараёни – бу давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараён ҳисобланади.

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан жорий йилнинг 1-июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади. Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳаларини туманлар ва шаҳарлар молия органлари томонидан маҳаллий ҳокимият, вакиллик органлари белгиланган тартибда ва муддатларда фақат жорий йилнинг 25-июнидан кечиктирмай юқори молия органларига тақдим этилади.

Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари давлат мақсадли жамғармаларини тавсимловчи органлар томонидан Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда ва муддатда фақат жорий йилнинг 1-июлидан кечиктирмай Молия Вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланан давлат бюджети лойиҳасини тузади ва жорий йилнинг 15-сентябргача ҳисоб (варақасига) палатасига тақдим этади. (2007 йил 27 апрелдаги ўзгартиришга биноан) ҳисоб палатасининг хulosаси билан бирга жорий йилнинг 1-октабиргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тақдим этади.

Давлат бюджети лойиҳасини Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15-октабрдан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1-апрелидан кечиктирмай тақдим етади. Вазирлар Маҳкамаси 5-апрелгача Аудит ва баҳолаш учун ҳисоб палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатаси давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботга доир хулосасини 10-майгача Вазирлар Маҳкамасига тақдим етади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Олий Мажлис тастиғига киритади.

Бюджетни ижро этиш:

1. Барча турдаги бюджет даромадлари мазкур қонунда кузда тутилган муддатларда ва тартибда шунингдек солиқ кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик активларда кўзда тутилган тарзда шаклланади.
2. Бюджетга даромадларни ўз вақтида келиб тушиши учун солиқ ва божхона органлари маъсулдирлар.
3. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга ўтказиш муддати қонунлар билан белгиланади. Юридик шахслардан тўланмаган солиқни сўзсиз ундириб олиш солиқ органлари зиммасига юклатилади.
4. Жорий йилнинг 31 декабригача бюджетга ўтказилмаган даромадлар кейинги йилда ўтказилади.

Бюджет жараёни ҳокимияти органларининг бюджетни тузиш, қўриб чиқиш, бажариш билан боғлиқ қонун билан тартибга солиб туриладиган фаолиятдир. Бюджетни тузиш ва амалда бажариш ижро этувчи ҳокимият томонидан, уни тасдиқлаш эса қонун чиқарувчи орган томонидан бажарилади.

Давлат бюджет лойиҳасини тайёрлаш.

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимиятлари (унинг таркибига кирувчилар) кейинги молия йили учун кўрсатиладиган ҳудудлар буйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ҳокимияти ва Тошкент шаҳри ҳокимияти қарорлари билан аниқланган бюджет лойиҳаларини келишилган муддатларда (аммо йигирма бешинчи июндан кечикмасдан) юқори турувчи молия органларига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва бошқармалари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг бўлим ва бошқармалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятларининг бюджетидан маблағ олувчилар Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимиятлари молия бўлимларига келгуси молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ҳокимияти ва Тошкент шаҳри ҳокимияти қарорлари билан аниқланган муддатларда (аммо биринчи июндан кечиктирмасдан) ўзларининг аризаларини топширадилар.

Давлат бюджети лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга тақдим этилиши:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколати билан биргалиқда биринчи октябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджет лойиҳасини тақдим этади. Бюджет лойиҳаси таркибиға куйидагилар киради:

1. Давлат бюджети лойиҳаси тузилган ўрта асосий макроиқтисодий кўрсатичлар;
2. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари;
3. Ўтган йилги ва жорий йилнинг биринчи ярим йилида бюджетнинг бажарилиши бўйича ҳисобот;
4. Ҳаракатдаги классификацион тизимга кўра кейинги йил учун даромад ва харажатлар прогнози;
5. Макроиқтисодий таҳлил натижаларига асосланган кейинги молия йили учун тузилган бюджет даромадлари ва харажатлари прогнозига комментарий;
6. Ҳаракатдаги ва тасдиқ учун тақдим этилаётган бюджет программасининг рўйхати;
7. Жорий инвестициялар учун капитал қўйилмаларнинг прогнози;
8. Давлатнинг ташқи ва ички қарзларининг ҳолати ва булар буйича ўтган молия йилидаги маблағлар ҳаракати;
9. Давлат корхоналарининг ўтган ва ўтаётган молия йилидаги молиявий ҳолати, келгуси молия йили учун асосий молия кўрсаткичларининг прогнози;
10. Келгуси йил учун давлат бюджети ҳақидаги қонуннинг лойиҳаси.

Тасдиқланган даромад ва харажатларнинг ҳажми бўйича маълумотлар бериш.

Давлат бюджети ҳақидаги қонун қабул қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги бир хафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кўмитаси ва Божхона Кўмитасини тасдиқланган даромадлар ҳажми бўйича маълумотни беради. 10 кунлик муддат ичида Молия вазирлиги Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларни белгиланган даромад ва харажатлар ҳажми бўйича маълумотни беради. Маҳаллий даражадаги корхона ва ташкилотларга бюджет даромад ва харажатлари тўғрисидаги маълумотни бериш худди шу тарзда бир хафталик ичида амалга оширилади.

Давлат бюджетни бажарилиш ва уни бажариш устидан назорат:

1. Барча турдаги бюджет даромадлари мазкур қонунда кўзда тутилган муддатларда ва тартибда шунингдек солиқ ва божхона кодекслари,

Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик актларда кўзда тутилган тарзда шакилланади.

2. Бюджетга даромадларни ўз вақтида келиб тушиши учун солиқ ва божхона органлари маъсулдирлар.
3. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетта ўтказиш муддати қонунлар билан белгиланади. Юридик шахслардан тўланмаган солиқни сўзсиз ундириб олиш солиқ органлари зиммасига юклатилади.
4. Жорий йилнинг 31 декабригача бюджетта ўтказилмаган даромадлар кейинги йилда ўтказилади.

Давлат бюджетидан харажат қилишнинг асосий қоидалари:

1. Давлат бюджети харажатлари бюджет маблағларини олувчи томонидан давлат бюджети тўғрисидаги қонун аниқланган смета харажатлари ва йўналтирилиш сертификатларига асосан бюджет ассигнованияси чегарасида амалга оширилади.
2. Хўжалик шартномалари бўйича харажат қилиган бюджет маблағлари кейинги молия йилида бюджет ассигнованияси ҳисобидан тўланади.
3. Республика бюджет ташкилотлари счётида қолган бюджет маблағлари молия йилининг охирги иш кунида Республика бюджет счётига ўтказилади. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган корхоналар учун ҳам шу тартиб амал қилинади.
4. Барча даражадаги бюджетларнинг счётларида қолган бюджет маблағлари касса айланмасини шакллантириш учун йўналтирилади.
5. Тасдиқланган касса айланмасидан қолган қолдиқ маблағлар ҳукумат органларининг қарорига кўра бошқа йўналишларга харажат қилиниши мумкин. Давлат бюджетини касса бажарилишини назорат қилиш Олий Мажлис томонидан ваколатланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалага оширилади, чунки давлат бюджетини даромад ва харажатлари бўйича ўтказмалар марказий банк қошида очилган ҳисоб-китоб счётида амалга оширилади.
6. Молия вазирлиги ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамасига давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисботни тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, ассоциялар, Қоарақолпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, Тошкент шахри ва вилоятлар ҳокимиётларининг давлат бюджетини бажарилишини бориши тўғрисида ҳар чорақда ҳисботни тинглайди.
7. Мансабдор шахслар молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига тафтиш ва текширувлар ўтказишдаги ёрдам беришга мажбурдилар. Ҳаракати текширилаётган шахслар керакли

маълумотларни ёзма ёки электрон шаклда тақдим этишга мажбурдир.


8. Ҳар йили 1 апрелгача Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлисга ўтган молия йилидаги ўзининг тафтиш фаолияти натижалари бўйича ҳисобот беради.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бюджет жараёни деб нимага айтилади?
2. Бюджет жараёнининг мазмуни нималар билан белгиланади ва унда нималар муҳим роль ўйнайди?
3. Бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолиятининг қандай босқичларини ўз ичига қамраб олади?
4. Бюджет жараёнининг олдига қандай муҳим вазифалар кўйилади?
5. Энг умумий тарзда, бюджет жараёнининг иштирокчилари кимлар (қандай субъектлар) ҳисобланади?
6. Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)дан олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига қандай органларга бюджет сўровини юбориши керак?
7. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни бюджет лойиҳасини тайёрлашнинг қандай муддатларини белгилайди?
8. Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджет лойиҳаси ўз ичига нималарни олмоғи лозим?
9. Бюджетнома лойиҳасини ким ишлаб чиқади ва унда нималар акс эттирилади?
- 10.Давлат бюджетининг лойиҳаси муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш) учун қандай органга тақдим этилади?
- 11.Давлат бюджети ким томонидан қабул қилинади?
- 12.Давлат бюджети қабул қилингандан сўнг унинг маблағлари бюджет маблағлари олувчиларга қандай тартибда ва муддатларда етказилиши керак?
- 13.Бюджетни ижро этиш қачондан бошланади?
- 14.Бюджет жараёнининг бу босқичи ўз ичига нималарниң бажарилишини қамраб олади?
- 15.Давлат ғазначилик тизими бюджет ижроси бўйича нималарни амалга оширади?
- 16.Бюджетнинг даромадлар бўйича ижро этилиши нималарни кўзда тутади?
- 17.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижросининг назорат қилинишини амалга ошириш давомида қандай ишларни амалга оширадилар?
- 18.Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисбот ўзида нимани ифода этади?

2.ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ


1. Бюджет жараёни: таърифи, босқичлари, вазифалари, иштирокчилари ва принциплари



Бюджет жараёни босқичлари



Бюджет жараёнининг энг муҳим вазифалари




Бюджет жараёнининг муҳим вазифалари

(пэрвоми)

- Иқтисодиётдаги инфляцион тенденциялар ва пул-кредит таназзулини бартараф этишга, миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган молиявий барқарорлаштиришнинг умумий дастурини бюджет билан мувофикалаштириш
- Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган манбалар ҳисобидан бюджет дефицитига барҳам бериш ёки уни қисқартириш
- Иқтисодий мintaқалар, хўжалик соҳалари ва бюджетлар ўртасида давлат даромадларининг манбаларини қайта тақсимлаш йўли билан турли даражадаги бюджетларни баланслаштириш мақсадида бюджетли тартибга солиши амалга ошириш
- Кенг кўламли барча ижтимоий-иктисодий дастурларнинг баланслилиги ва пропорционаллигини таъминлашга имкон берадиган истиқболли бюджетли режалаштиришнинг ролини ошириш
- Солиқ мажбуриятларини бажаришда алоҳида фуқаролар даромадлари ва юридик шахсларнинг молиявий фаолиятлари устидан назоратни таъминлаш
- Замонавий электрон ҳисоблаш техникаларидан кенг фойдаланиш асосида ва молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими орқали бюджетларни тузиш ва ижро этиш жараёnlарини автоматлаштириш ва бошқалар

Бюджет жараёниниң умумий иштирокчилари



Бюджет жараёнини ташкил этишда риоя қилиниши лозим бўлган принциплар



2. Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)


Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) жараёнида қуйидаги масалалар ечилади ёки үларга аниқлик киритилади




**Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да
қуйидаги мақсадлар кун тартибиغا қўйилади**



Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)дан ол-дин
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган
муддатларда келгуси молия йилига



Қарақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари тегишли қарорлар қабул қилинганидан сўнг уч кун муддат ичидан



Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ўз ичиға қуидагиларни олмоғи лозим

- бюджет таснифига мувоғик акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари
- умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари ҳамда харажатлари миқдори
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг айланма касса мөъёри миқдорлари
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира фондининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари захира фондларининг назарда тутилмаган харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган поиралаги миқдори
- Давлат бюджети дефицитининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбалари
- давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли фонднинг энг юқори миқдорлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан биргаликда қўйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқиши ва 15 сентябргача Ўзбекистон Респу

публикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилмоғи лозим.

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий якупнлари ва жорий йилги якупнларининг башорат баҳоси

ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси

келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишга асос бўлган (келгуси йилнинг) асосий маконитисолий кўпсаткичлар


мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар

давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатларнинг холати тўғрисидаги маълумотлар


келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси

Юқоридагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилмоғи лозим.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қуидагилар инобатга олиниши керак



Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қуидаги методлардан фойдаланилади



3. Бюджетни мухокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш)

Бюджетни мухокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш)



Давлат бюджетининг лойиҳаси мамлакатнинг олий ижроия органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланганидан сўнг мухокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш) учун қонунчилик органи бўлган Олий Мажлисга тақдим этилади



Бюджетнинг лойиҳаси Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасида (куйи палата – Қонунчилик палатасида ва юқори палата Сенатда) алоҳида-алоҳида мухокама қилинади



Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасида бюджет лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг, ҳар икки палата ўртасида бюджет лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлмаса, мамлакат парламентининг бюджет тўғрисидаги умумий қарори қабул қилинади. Агар палаталар ўртасида бюджет лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар вужудга келса, ҳар икки палатанинг вакилларидан иборат бўлган мувофиқлаш-



Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади

Давлат бюджетига мувофик



**Давлат бюджети қабул қилингандан сўнг унинг
маблағлари бюджетдан маблағ олувчиларга
ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда етказилиши
керак. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни эътиборига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари даромадлари ва харажатлари микдорларини, шунингдек, келгуси молияйили учун уларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ва субвенциялари мик-


Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек, Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига, улар учун белгиланган даромадлар ва харажатлар микдорини

Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин бир
чандталик мурлат ишига

Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин 10
чандтик мурлат ишига


етказмоғи лозим

Қоралпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичида



4. Бюджетни ижро этиш

Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда қўйидаги масалаларнинг ҳал этилишига жиддий эътибор бермоқ лозим



Бюджет ижросига оид бевосита ишлар Молия вазирлиги ва унинг тегишли бўлинмалари ҳамда органлари, Давлат солик қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси ва уларнинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, бу жараёнда Молия вазирлигининг муҳим таркибий тузилмаларидан бири бўлган Давлат ғазначилик тизи-



Давлат ғазначилик тизими бюджет ижроси бўйича қуйидагиларни амалга оширади

бюджет даромадларининг тушишини қайд этиш


бюджет мажбуриятларини, яъни бюджет тўғрисидаги қонунга мувофиқ равишда вужудга келадиган маълум муддат давомида харажатларни сарфлаш мажбуриятини қабул қилиш муддатлари ва ҳажмларини тартибга солиш

ажратилган бюджет мажбуриятлари лимити доирасида
харажатларни амалга ошириш хуқуқини берувчи рухсат ёзувларини тайёрлаш

бюджетдан маблағ олувчилар номидан тўловларни
амалга оптириш

ва бошқа функциялар

Бюджетнинг даромадлар бўйича ижро этилиши қўйидагиларни кўзда тутади




Бюджетнинг даромадлар қисми ижросини соликлар ва бошқа тўловларни бюджетга ундириш билан шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда уларнинг қуий органлари таъминлайди

Бюджет харажатларининг ижроси давомида санкциялаштиришнинг асосий босқичлари

- бюджет харажатлари рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш
- бюджет ассигнованиялари тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уларни бюджетдан маблағ олувчилик ҳамда тақсимловчиларга етказиш, шунингдек, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ларомаллап ва харажатлап сметасини тасликлап
- бюджет мажбуриятларининг лимитлари тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уни бюджетдан маблағ олувчилик ҳамда тақсимловчиларга етказиш
- бюджетдан маблағ олувчилярнинг пулли мажбуриятларини кабул килиш

Бюджетни харажатлар бўйича ижро этиш ҳар бир Бош тақсимловчи (қуий идоралар ва бюджет маблағларини олувчилик ҳамда тақсимловчиларга бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари) ва бюджет маблағларини тақсимловчилар (идоравий белгиси бўйича бюджетдан маблағ олувчилик ҳамда тақсимловчиларга бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари) учун Газначиликнинг ягона ҳисоб регистрида очиладиган шахсий ҳисобварақларидан фойдала-

Тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида ва харжатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари бюджетдан маблағ олувчиilar томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич, тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан



Айрим вазиятларда турли сабабларга кўра йил бошлангунга қадар келгуси молия йили учун Давлат бюджети қабул қилинмаслиги мумкин



У ҳолда Давлат бюджети қабул қилингунга қадар давлат харажатлари қўйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин

бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бюджет маблағларининг аввалги молия йилининг сўнгги 3 ойининг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда ҳар ойда ямапта оширилмоғи поズим

аввалги молия йилида қилинмаган бюджет харажатлари амалга оширилмаслиги керак

аввалги молия йилида амалда бўлган солиқقا тортиш ва мажбурий тўловлар тўлаш тартиби Давлат бюджети қабул қилингунга қадар ўз кучини йў-

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Давлат бюджети молия йили бошланганидан кейин қабул қилинган ҳолда харажатларнинг умумий суммаси молия йили давомида қабул қилинган Давлат бюджети кўрсаткичларига мувофиқ паптирипти кепак

Баъзи ҳолларда Давлат бюджетининг ижроси давомида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиртишилар киритиш замонияти пайло бўлиши мумкин


Бундай вазиятда бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиртишлар киритиш бир бюджетдан маблағ оловчи учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджетдан маблағ оловчи учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутгани тартибла



Бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш

бир бюджетдан маблағ олувчи учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджетдан маблағ олувчи учун бюджет маблағларининг тегишли равишда қўпайтирилишини назарда тутган тартибда

тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% га қадари



Бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартеришилар киритиш

бир бюджетдан маблағ олувчи учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджетдан маблағ олувчи учун бюджет маблағларининг тегишли равища кўпайтирилишини назарда тутган тартибда

тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% дан ортиғи

Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджетдан маблағ олувчилар учун

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағ-

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгилangan тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

тегишли молия органлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишган тақдимномага биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ҳамда жойлардаги тегишли хокимият вакиллик

тomonидан амалга оширилди

Бюджетдан маблағ олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бошқа моддалар бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағларга тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур бюджетдан маблағ олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг 10%

Бу ҳолда бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар



**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа
молия органлари Давлат бюджети ижросининг назорат
қилинишини амалга ошириш давомида**

→ турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини қўриб
чиқади

→ турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли
~~жамғармаптигини таксимловчи органпашлан аҳборот оғали~~

→ бюджетдан маблағ олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотлар талаб қилиб олади

→ қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади

→ бюджетдан маблағ олувчиларнинг молия-хўжалик фаoliyatinini ўз ваколатлари доирасида тафтиш қиласи ва текширувдан ўтказади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган якунларини қўриб чиқади

5. Бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва уни тасдиқлаш

Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджетдан маблағ олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига,

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджетдан маблағ олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддат-

Туманларнинг, шунингдек, республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатидан бериладиган муроҷа

Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот

(лавоми)

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари тегишли бюджетларнинг ҳисбот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисботларни кўриб чиқиб, маъқуллангандан кейин бу ҳисботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик ор ganlariiga konun xujjatlarida belgilangan muddatlar-

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси соликлар, йигимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисбот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисботни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қонун хужжатларида белгилangan муддатларда тақдим этиш-


Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот

(павоми)

Давлат солиқ хизматининг жойлардаги солиқ органлари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларниң Давлат бюджетига ҳисбот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисботни ҳар ойда тегишли молия органларига, қонун ҳужжатларида белгиланган муддат-

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳисбот даврида давлат мақсадли жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим эти-

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 1-майидан кечиктирмай тақдим этиши керак. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 15-майидан кечиктир-



3.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛ
1-Топшириқ. Тестларни ечинг.

№	Мавзу номи	Савол	Жавоб А	Жавоб В	Жавоб С	Жавоб D	
1	Бюджет жараёни	Бюджет жараёни бюджет фаолиятининг нечта босқичини қамрайди?	Бюджет лойиҳасини тузиш, бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро етиш ва унинг ижросини назорат қилиш, бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва уни тасдиқлаш	Бюджет лойиҳасини тузиш, бюджетни тасдиқлаш, бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва уни тасдиқлаш	Бюджет лойиҳасини тузиш, бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро етиш, бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва уни тасдиқлаш	Бюджет лойиҳасини тузиш, бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, бюджетни ижро етиш ва унинг ижросини назорат қилиш	Тўғри жавоб келтирилмаган
2	Бюджет жараёни	Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайси муддатда киритилади?	Жорий йилнинг 15 октябригача	Жорий йилнинг 15 декабригача	Жорий йилнинг 15 июнигача	Жорий йилнинг 15 мартағача	
3	Бюджет жараёни	Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети лойиҳасини ким тайёрлайди?	Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитас	Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Президент Девони	

4	Бюджет жараёни	Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисботни қайси орган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритади?	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	Ўзбекистон Республикасининг жойлардаги давлат ҳокимияти органлари	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси	Ўзбекистон Республикаси Президент девони
5	Бюджет жараёни	Айрим сабабларга кўра йил бошлангунча қадар Давлат бюджети қабул қилинмаса харажатлар қандай шартларга риоя етган холда амалага оширилади?	Аввалги молия йилининг сўнгги 3 ойининг 1/3 қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда хар ойда бюджет	Аввалги молия йилидаги бюджет харажатларининг ўртача ойлик миқдори кўринишида	Аввалги молия йилида амалада бўлган соликқа торцҳ ва мажбурий тўловлар тўлаш тартиб ўз кучини йўқотмаган холда	Барча жвоблар тўғри
6	Бюджет жараёни	Молия вазирлиги бюджет ижросини назорат қилиш давомида қўйидагилардан қай бирини амалга оширади?	Турли даражадаги бюджетлар ижроси якунларини кўриб чиқади	Бюджет маблағлари олувчилярдан маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумот талаб қилиб олади	Бюджетдан маблағ олувчилярнинг молия-хўжалик фаолиятини тфтиш қиласи	Барча жвоблар тўғри
7	Бюджет жараёни	Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисбот қайи орган томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади?	Олий Мажлис	Ҳисоб палатаси	Молия Вазирлиги	Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари

2-топшириқ. Қуидаги иқтисодий түшунчаларга таъриф беринг.

1. Преференция – бу ...
 2. Сметали молиялаштириш –бу ...
 3. Пропорционал солиқ – бу ...
 4. Солиқлар классификацияси - бу ...
 5. Бюджет сўрови –бу ...
 6. Бюджет ташкилоти–бу ...
 7. Бюджет жараёning босқичлари–бу ...
- 3. Эссе. Бюджет жараёни. (интернетдан фойдаланиш мумкин, 10-15 гапдан иборат кичик иншо ёзинг)**
- 4. Бюджет жараёни бўйича 15-16 та сўздан иборат кроссворд тузинг.**

4.ГЛОССАРИЙ

21 мавзу: Бюджет жараёни

Бюджет жараёни (бюджетный процесс, the budget process) - давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, ижро этиш, ижроси юзасидан назоратни олиб бориш, ижроси бўйича ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш юзасидан қонун хужжатлари билан тартибга солинадиган жараён .

Молия йили (отчетный год, fiscal year) - биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига оловчи давр.

Бюджет сўрови (бюджетная заявка, the budget request) - бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров.

Бюджет ташкилоти (бюджет организации, budget organization) - зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

Бюджет жараёнинг босқичлари (Этапы бюджетного процесса, Stages of the budget process) - бюджет лойиҳаси тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, ижро этиш ва назорат қилиш, ижроси бўйича ҳисбот тайёрлаш.

Бюджетни ижро этиш (Исполнение бюджета, The execution of the budget) бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмининг бажарилиши.

5.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). – Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.
4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисод-молия, 2008 й.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.
6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 200 б.
7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..
8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия”, 2010й .
9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.
10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.
11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.
12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б.
13. Маликов Т. Ҳайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

6. ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ